# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ    № 20 (1199)    2019 йил 16 май

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда    ISSN 2010-6602    @bank_axborotnomasi    Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг


## Карталар хавфсизлиги йўлида



**Бугунги кунда кибержиноятчилик барча мамлакатлар, йирик компаниялар, молия муассасалари учун хавфли омиллардан бирига айланган. У билан курашиш учун йилига дунё бўйлаб миллиардлаб пул сарфланса-да, афсуски, бу каби жиноятлар озаяётгани йўқ. Шу боис, ундан огоҳ бўлиш, олдини олиш ҳар бир давлат, ташкилоту идора учун тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.**

Айниқса, халқаро тўлов тизимлари ривожланиб бораётган замонда ҳар бир шахснинг пластик картасини ҳимоялаш зарурати пайдо бўлди. Чунки айни кунда юртимизда ҳам аҳолининг пластик карталаридаги пулларни турли қаллоблик йўллари билан ечиб олиш ҳолатлари баъзида кузатилаётгани ачинарлидир.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича Марказий банк ҳузуридаги Миллий банклараро процессинг маркази томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Яқинда MasterCard халқаро тўлов тизими вакиллари ҳамда Марказий банк ҳамкорлигида тижорат банклари ходимлари учун ташкил этилган форумнинг бош мавзуси ҳам айнан карталар хавфсизлиги таъминлашга бағишланди. Форум доирасида MasterCard компанияси вакиллари компаниянинг халқаро молия бозоридаги ўрни, унинг имкониятлари ҳамда карталар хафвсизлигини таъминлаш борасида компания олиб бораётган ишлар бўйича тақдимотлар қилишиб, келгуси режалар ҳақида ҳам сўз юритишди.

– Жаҳон молия бозорини кузатаётган ҳар бир киши пластик карточкалар билан боғлиқ қаллобликлар кўп учратаётганига гувоҳ бўлади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳам жаҳон бозорига тобора кириб бораётганини инобатга олсак, бундай жиноятлар бизга ҳам кириб келиши ҳеч гап эмас.

(Давоми 4-саҳифада)

## Hi-Tech Bank исломий молиялаштириш форумида

**Жорий йилнинг 3 май куни "Hi-Tech Bank" банки ривожланаётган бозорда исломий молиялаштириш масалалари бўйича бўлиб ўтган Форумда иштирок этди.**



Мазкур Форумда исломий молиялаштиришнинг кўплаб шаклларини жорий этиш масалалари батафсил баён қилиб берилди. Хусусан, "Hi-Tech Bank" ХАТБ тижорат банклари ўртасида исломий молиялаштиришни жорий этиш бўйича фаол иштирок этаётган банклардан бири бўлиши қайд этилди.

Форум доирасида 6-май куни Al-Huda CIBE ва "Hi-Tech Bank" банки ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Маълумки, исломий молиялаштириш маҳсулотларига бўлган талаб республикамизда катта бўлгани боис, "Hi-Tech Bank" банк ва Al-Huda CIBE томонидан бу борада биргаликда тегишли амалий фаолият юритиши тўғрисида келишиб олинди.

Al-Huda CIBE 2005 йилдан бери исломий банкинг ва молиялаштиришни ривожлантириш бўйича фаолият кўрсатаётган йирик молия муассасасидир. Al-Huda CIBE ўзининг мукаммал хизматлари ва барқарор ривожланишда давом этиши ва малакали мутахассислар жамоаси туфайли бутун дунёда эътироф этиб келинади. Улар маслаҳат, тадқиқот ва ривожланиш, таълим салоҳиятини ошириш, исломий банкнинг молиялаштиришини тарғиб қилиш бўйича тадбирлар ўтказади ва турли хизматлар кўрсатади.

**Камилла САЙРАМБОЕВА,**
**"Hi-Tech Bank" маркетинг бўлими ходими**

## ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида телеграм дастурида Молия вазирлигининг мурожаатлар билан ишлаш бўйича махсус боти (@murojaat_mf_bot) ишга туширилди. Фуқаролар ушбу телеграм ботга ўзбек ва рус тилларида мурожаат қилиб, қизиқтирган саволларига жавоб олишлари мумкин.

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги қарорига асосан Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурида Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган эди.

Жамғарма томонидан жорий йилнинг май ҳолатида қарийб икки ярим минг нафар томорқа эгасига етти фоизли кредитлар берилди. Агарда кейинги бир йилнинг ҳисобласак, уларга қарийб 150 миллиард сўм миқдорида сармоялар берилди.

---

Жорий йилнинг 7-8 май кунлари Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган ҳар йилги "JobFair-2019" 12-бўш иш ўринлари ярмаркасида "Ипотека-банк" АТИБ фаол иштирок этди.



MyJob.uz амалий тармоғи одатий бир кунлик дастурларидан фарқли ўлароқ JobFair-2019 12-бўш иш ўринлари ярмаркаси янги форматда ташкил этилди. Ярмарка 2 кунга мўлжалланган бўлиб, биринчи кун "Ипотека-банк" АТИБнинг 3 нафар ходимлари Россияда ректутинг соҳасида энг кучли экспертлардан бири – Ильгиз Валинуровнинг "Турборекрутинг: ходимларни қай тарзда рақобатчилардан тезроқ топиш мумкин?" мавзусига бағишланган семинарида иштирок этдилар.

Тадбир бевосита "Ипотека-банк" АТИБ ходимлари таркибини замон талабларига жавоб берадиган, чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган ходимлар билан тўлдириш, меҳнат бозорининг профессионал иштирокчиларини банк таркибига жалб этиш бўйича замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлишида муҳим замин яратди.

Шу билан бирга "Ипотека-банк" АТИБ бир қатор тажрибали иш топиш ёки иш жойини ўзгартирмоқчи бўлган аъзолар билан суҳбат ўтказиш кунини белгилади. Айтиш мумкинки, мазкур тадбир "Ипотека-банк" АТИБ брендини меҳнат бозорида янада танитиш учун муҳим қадам бўлди.

---

Халқ банки ўз мижозларига юқори хавфсизлик тизимига эга замонавий ва қулай "Кобейдж" карталарини ишга туширди. Ушбу картага ойлик иш ҳақи ҳамда исталганча миллий валютадаги маблағларни сақлаш мумкин. Энди хорижий валютадаги бошқа карталарни очиш зарурати ҳам йўқ. Чунки ушбу картадан хорижий давлатда тўловни амалга ошириш ва банкоматлардан нақд валюта маблағини ечиш мумкин. Бунда картадаги маблағингиз автоматик тарзда чет эл валютасига конвертация қилинади.

Шунингдек, мазкур карта орқали интернет дўконларидан харидларни амалга ошириш, меҳмонхона, авиачипта ва бошқа хизматларни брон қилиш имконияти мавжуд.

## УШБУ СОНДА


ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛИ ДАВР ҚИСҚАРТИРИЛАДИ 2



ИНҚИРОЗ ОҚИБАТИ : ШВЕЦИЯДА 10 ЙИЛДАН СЎНГ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ 5



РЎЗАНИНГ СОҒЛИҚҚА ФОЙДАЛАРИ 8



## Ипотека кредитлари бўйича имтиёзли давр қисқартирилади

**Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент фармони қабул қилинди.**



Фармонга мувофиқ, бошланғич устав капитали миқдори 25 миллиард сўм бўлган акциядорлик жамияти шаклидаги "Ипотекани қайта молиялаштириш" компанияси таъсис этилди.

Қуйидагилар компаниянинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди:

маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш;

аҳолининг арзон уй-жойларга ўсиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантириш учун бозор тамойиллари асосида тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш.

Шунингдек, Фармон билан 2019-2021 йилларда ипотека кредити тизимини ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

2020 йил 1 январдан бошлаб мақсадли дастурлар ижроси доирасида қуйидаги янги шартларда ипотека кредитлари ажратилади:

Молия вазирлиги томонидан иштирок этувчи банкларга ажратилаётган кредит ресурслари ҳамда аҳолига берилаётган ипотека кредитлари бўйича имтиёзли давр 1 йилгача қисқартирилади (амалдаги тартибга кўра 5 йил);

кредитдан фойдаланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7 фоиздан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида белгиланади;

ипотека кредитлари фоизларини аннуитет тўловлари формуласи бўйича ҳисоблаш тартиби татбиқ этилади (ойлик тўлов асосий қарз қолдиғига ҳисобланган фоизлар бўйича тўлиқ тўловни ҳамда кредитнинг бир қисмини ўз ичига олади, бу шундай ҳисоблашни назарда тутадики, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашнинг бутун даврида бир хил бўлади).

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида белгиланган малакавий талабларга жавоб берадиган юридик шахсларга мақсадли дастурларни амалга оширишда буюртмачи ёки бош пудратчи сифатида қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, уй-жойлар ва квартираларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун кредитлар берилади.

2020 йил 1 январдан бошлаб мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи бўйича амалдаги имтиёзлар бекор қилинади.

Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг 12 та штат бирлигини қўшимча ажратган ҳолда Арзон уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди.

Мақсадли дастурлар ижроси самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторингида иштирок этиш, улар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш Бошқарманинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

2019 йил 1 январга қадар қурилишга рухсат этилган уй-жой фонди объектларини (2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига, 2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурига киритилган объектлар бундан мустасно) бирламчи уй-жой бозорида реализация қилиш обороти 2020 йилнинг 1 январига қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Адлия вазирлигининг "Ҳуқуқий ахборот" канали материаллари асосида тайёрланди.

ТАШАББУС

## "Асака" банки Мўйноқ туманининг ривожланиш лойиҳасида иштирок этди

**Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида ҳудудни янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган муҳим вазифаларни белгилаб берганди.**

Қисқа фурсатда ҳудудда амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, янги турар-жой мажмуалари, ижтимоий-маданий бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилди ва бунинг натижасида минглаб иш ўринлари яратилди.



Юқоридаги ташаббусларнинг узвий давоми сифатида, "Асака" банк томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка, оролбўйи тумани Мўйноқда хайрли ишга қўл урилиб, туманданги, Медели О.Ф.Й, Шегели овулидаги 11-сонли умумий ўрта таълим мактабига замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган ўқув хонаси совға қилинди.

Бунинг учун банк томонидан ўқув хонаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан жиҳозланди. Эндиликда мактаб ўқувчилари бундай шароитдан кенг фойдаланган ҳолда, ўзининг ахборот технологиялар соҳасидаги билимини янада мустаҳкамлайди.

finance.uz

СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ МОНАНДЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда 2693-5-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

**Тошкент ш.,**
*2019 йил 26 январь,*
*2/3-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқарувининг*
*2019 йил 26 январдаги 2/3-сонли қарорига*
ИЛОВА

### *ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ МОНАНДЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР*

1. 24-бандда:

иккинчи хатбоши ", мазкур Низомнинг 242-бандида кўрсатилган активлар бундан мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"аҳолига қайта молиялаш ставкасининг 1,5 бароборидан 2 бароборигача бўлган йиллик фоиз ставкада ажратилган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари.".

2. 241-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"аҳолига қайта молиялаш ставкасининг 2 бароборидан 2,5 бароборигача бўлган йиллик фоиз ставкада ажратилган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари.".

3. 242-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"242. Таваккалчилик даражаси бўйича VII гуруҳга қуйидагилар киради:

енгил автомобиль сотиб олиш учун юридик шахсларга ажратилган кредитнинг гаров таъминотига енгил автомобиль қабул қилинган кредитлар, шунингдек шу мақсадларга ажратилган суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган кредитлар;

автомобиль сотиб олиш учун аҳолига ажратилган кредитнинг қолдиғи сотиб олинган автомобиль қийматининг 75 фоизидан ортиғини ташкил этган кредитлар, шунингдек, шу мақсадларга ажратилган суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган кредитлар;

аҳолига қайта молиялаш ставкасининг 2,5 баробари ва ундан юқори йиллик фоиз ставкада ажратилган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари, шунингдек суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари.".

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

### МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИНГ 15-БАНДИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда 2093-10-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" рейтинги ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сон қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандидан "ва муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

**Тошкент ш.,**
*2019 йил 23 февраль,*
*4/10-сон*

ТАМОЙИЛ

## Кредитларни суғурталаш тизими ўзини оқлаяптими?

**Юртимизда кредитларни суғурталаш асосан кредитнинг гаров билан таъминланмаган қисмини суғурталаш тури амалиётда қўлланилмоқда. Ушбу суғурта турида бериладиган кредитларнинг гаров билан таъминланмаган қисми 30 фоиздан 90 фоизгача миқдорни ташкил этади.**

Тўлиқ 100 фоиз миқдорида кредитларни суғурталаш асосан, микрокредитлар, яъни энг кам иш ҳақининг 1 000 бароббаригача бўлган миқдордаги кредитлардир. Бу суғурталаш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартдаги 119-сонли қарорига мувофиқ, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида қўшимча равишда паррандачилик маҳсулотлари, лимон, унаби, грек ёнғоғи етиштириш ва иссиқхоналар ташкил этиш учун ажратилаётган кредитларни суғурта қилиш ва "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастури доирасида ажратилаётган имтиёзли кредитларни суғурталаш ишларида қўлланилади.

Қайд этиш жоизки, юртимизда 2003 йилдан бошлаб Ҳукумат қарорлари асосида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хомашёси етиштириш харажатларини аванслаш ўрнига имтиёзли кредитлаш механизмига босқичмабосқич ўтилди.

"Ўзагросуғурта" компанияси ҳам тижорат банклари томонидан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хомашёси етиштириш учун қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган имтиёзли кредит маблағлари қайтарилмаслиги бўйича тадбиркорлик хавфини суғурталаш жорий қилинган эди.

Лекин ушбу суғурта тури амалиётда айрим сабабларга кўра ўзини оқламади. Биринчи навбатда, бу суғурта турида суғурта қилдирувчи тижорат банки ҳисобланиб, суғурта шартномаси банк фойдасига тузилиб, суғурта мукофоти банк маблағлари ҳисобидан тўланади. Мазкур суғурта тури актуар ҳисоб-китоблар асосида суғурта тарифлари 6-10 фоиз миқдорида белгиланади. Банк томонидан берилаётган имтиёзли кредитлар 5 фоиз миқдорида, шундан банк маржаси 3 фоизни ташкил қилади. Бу эса тижорат банки учун ҳам мақсадга мувофиқ келмайди.

Агар рақамларга эътибор берсак, пахта етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни суғурталаш суғурта тури бўйича "Ўзагросуғурта" АЖ томонидан тузилган суғурта шартномалари бўйича зарарлилик даражаси, яъни тўланган суғурта товонларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбати 2013 йилда 122.0%, 2014 йилда 166.7%, 2015 йилда 114.7%, 2016 йилда 394.8%, 2017 йилда 196% ни ташкил этган.

Мана шулардан хулоса қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан, табиий-иқлим шароитлар таъсирида бўлишини инобатга олиб, тижорат банклар фойдасига "суғурталанган бўлғуси ҳосил эвазига кредитлаш" тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу, ўз навбатида, тижорат банклари томонидан берилган имтиёзли кредит маблағлари қайтарилмаслиги тадбиркорлик хавфини суғурталашга нисбатан кўплаб афзалликларга эга. Хусусан, экинлар ҳосилининг табиатда учрайдиган барча офатлар ва ўсимлик касалликларига нисбатан қўлланилиши, суғурта шартномасининг асосий шартлари хўжаликларнинг агротехник талабларга риоя қилишлари ва унинг устидан суғурта компанияси томонидан доимий мониторинг ўрнатилиши, суғурта пули ҳажми (олинадиган суғурта жавобгарлиги) ажратилаётган кредит маблағлари ҳажмидан юқори бўлиши, суғурта шартномаси экинлар экиш муддатидан олдин ҳамда бир қишлоқ хўжалик мавсумига тузилиши, суғурта тарифи статистик маълумотлар (эришилган ҳосилдорлик) асосида туманлар бўйича табақалаштирилган ҳолда ўрнатилиши, суғурта бадалини тўлаш манбаларининг хилма хиллиги, суғурта полисида тижорат банклари наф олувчи сифатида кўрсатилиши, суғурта ҳодисаси натижасида етказилган зарар учун тўланадиган суғурта товони, экинлар йиғиштириб олиниши билан тўлаб берилиши, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик корхонасининг тижорат банклари олдидаги қайтарилмаган имтиёзли кредитлар тўлаб берилиши; иккинчи навбатда қолган суғурта товони қишлоқ хўжалик корхонаси ҳисобига ўтказиб берилиши; суғурта ҳодисаси натижасида етказилган зарар учун тўланган суғурта товони қайта талаб қилиниб, регресс тартибида ундирилмаслиги натижасида хўжаликларнинг банклар ва суғурта компаниясига бўлган ишончларининг мустаҳкамланиши кабилардир.

Қайд этиш керакки, суғурта товонини тўлашда биринчи навбатда наф олувчи талаби қондирилиб, суғурта товонининг қолган қисми суғурта қилдирувчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги корхоналарига тижорат банклари томонидан берилаётган имтиёзли кредитлар таъминоти сифатида "суғурталанган бўлғуси ҳосил"дан фойдаланиш тизимининг жорий этилиши тижорат банклари ва суғурта компаниялари учун ҳам, фермер хўжаликлари манфаатларига ҳам тўла мос келади.

**Абдурашид ВАҲОБОВ,**
**"Ўзагросуғурта" АЖ менежери, иқтисод фанлари номзоди**

## "GARANT-INVEST MIKROKREDIT TASHKILOTI" МЧЖ

*Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2011 йил 12 мартдаги 15-сонли лицензияси.*
*Юридик манзили: 100135, Тошкент ш., Чилонзор тумани, 16-мавзе, 11-уй.*

### Баланс ҳисоботи
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

| КЎРСАТКИЧЛАР | | МИНГ СЎМДА |
|---|---|---|
| **АКТИВЛАР** | | |
| Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари | | 4 479 |
| Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар | | 11 254 |
| Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар | | 158 330 |
| Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - факторинг | | 0 |
| Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмол), брутто | 5 658 857 | |
| Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси | 37 045 | |
| Кредитлар, соф (50 код - 51 код) | | 5 621 812 |
| Микролизинг, соф | | 0 |
| Асосий воситалар, соф | | 94 028 |
| Номоддий активлар, соф | | 0 |
| Бошқа хусусий мулклар | 0 | |
| а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси | 0 | |
| б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код) | | 0 |
| Бошқа активлар | | 72 989 |
| **Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+92+100)** | | **5 962 891** |
| **МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ** | | |
| **МАЖБУРИЯТЛАР** | | |
| Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар | | 2 072 678 |
| Лизинг бўйича мажбуриятлар | | 0 |
| Тўланиши лозим бўлган фоизлар | | 38 761 |
| Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар | | 35 197 |
| Муддати узайтирилган даромадлар | | 3 936 |
| Бошқа мажбуриятлар | | 11 153 |
| **Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)** | | **2 161 724** |
| **КАПИТАЛ** | | |
| Устав капитали | | 2 456 200 |
| Умумий захира фонди | | 463 817 |
| Текинга олинган мулклар | | 135 |
| Ўзлаштирилган грант маблағлари | | 0 |
| Тақсимланмаган фойда | | 31 483 |
| Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси | | 0 |
| Жорий йил фойдаси (зарар) | | 849 532 |
| **Жами капитал (310+320+330+340+350+360+370)** | | **3 801 167** |
| **Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)** | | **5 962 891** |

### Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

| КЎРСАТКИЧЛАР | МИНГ СЎМДА |
|---|---|
| **1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР** | |
| Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар | 0 |
| Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар | 2 995 291 |
| Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар | 0 |
| Юридик шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар | 0 |
| Микролизинг бўйича фоизли даромадлар | 0 |
| Бошқа фоизли даромадлар | 0 |
| **Жами фоизли даромадлар (110+120+130+140+150+160)** | **2 995 291** |
| **2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР** | |
| Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар | 62 005 |
| Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар | 394 823 |
| Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар | 37 714 |
| Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар | 0 |
| Бошқа фоизли харажатлар | 0 |
| **Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)** | **494 542** |
| **3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)** | **2 500 749** |
| Минус: Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | 32 578 |
| **Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)** | **2 468 170** |
| **4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР** | |
| Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар | 29 892 |
| Сотиб олинган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар-факторинг | 0 |
| Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида олинган фойда | 0 |
| Бошқа фоизсиз даромадлар | 243 921 |
| **Жами фоизсиз даромадлар (410+420+430+440)** | **273 813** |
| **5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР** | |
| Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари | 20 695 |
| Бошқа фоизсиз харажатлар | 0 |
| **Жами фоизсиз харажатлар (510+520)** | **20 695** |
| **6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)** | **2 721 288** |
| **7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР** | |
| Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар | 472 566 |
| Ижара ва таъминот харажатлари | 122 536 |
| Хизмат сафари ва транспорт харажатлари | 35 563 |
| Маъмурий харажатлар | 16 443 |
| Репрезентация ва хайрия | 0 |
| Эскириш харажатлари | 59 504 |
| Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар | 53 860 |
| **Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)** | **760 472** |
| **8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ** | **0** |
| **9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА(600-780-800)** | **1 960 815** |
| **10. ФОЙДА СОЛИҒИ** | |
| Фойда солиғини баҳолаш | 166 057 |
| **11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)** | **1 794 758** |
| Фойдагача бўлган тузатишлар, соф * | 0 |
| **12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)** | **1 794 758** |

*Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «AUDIT-KANON» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 29 декабрдаги АФ 00047-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот микрокредит ташкилоти ҳисоботининг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.*

Хизматлар лицензияланган.

# Карталар хавфсизлиги йўлида





(Бошланиши 1-саҳифада)

Шундай экан, турли жиноятчиларнинг объектига айланиб қолмаслик учун молиявий жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши чоралар кўриш зарур. Бугунги форумда халқаро тўлов тизимидаги етакчи компания вакилларининг чиқиши ҳам шунга қаратилди. Марказий ва тижорат банклар ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар берилди, – дейди Марказий банк Ахборотлаштириш бош маркази директори Дилшод Сариходжаев.

Қайд этиш жоизки, HUMO тўлов тизими бозорда эркин рақобат муҳитини яратиш, молия бозорида танлаш имконини бериш мақсадида ташкил этилганди. Шу билан бирга банк карталари орқали хизматлар кўламини кенгайтириш ҳам назарда тутилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Миллий банклараро процессинг маркази бир қатор янги лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, айни кунда Mastercard билан ҳамкорликда махсус ҳимоя дастурларини жорий қилиш ҳамда Mastercard карталарини HUMO тўлов тизимига интеграциялашуви бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Яқин кунларда барча HUMO терминналарида бу тизим ишга тушади.

Шунингдек, мазкур компания вакиллари билан Миллий банклараро процессинг маркази (МБПМ) ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланган бўлиб, унга кўра меморандум доирасида нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш борасида иккита асосий йўналишда иш олиб бориш кўзда тутилган.

– Биринчиси, HUMO International премиал карталарини чиқариб, янги карталарни қабул қилиш бутун дунё бўйича 70 миллиондан ортиқ нуқталарда амалга оширилиши мумкин. Иккинчи йўналишда эса жамоатчилик транспортидаги йўл ҳақи тўловини нақд пулсиз тарзда амалга оширишни йўлга қўйишдир. Бу жараён бўйича МБПМ ва Mastercard метрода йўл ҳақини тўлашда HUMO ва Mastercard карталарини қабул қилиш бўйича Тошкент метрополитени билан биргаликда тажриба лойиҳасини ишга тушириш келишувига эришилди. Лойиҳани ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш жараёни бир неча ойни талаб этади, аммо унинг синов тарзида ишга туширилиши яқин вақт ичида бошланади, – дейди Миллий банклараро процессинг маркази директори ўринбосари Дилшод Икромов. – Бу жараёнда тўловлар карточкани махсус волидаторга бир марта теккизиш билан контактсиз тўлов амалга ошади. Бу тизим жамоат транспортида тўловларни амалга оширишни енгиллаштириш билан бирга, йўловчилар оқимини таҳлил қилиш ва бу соҳада янги хизматларни жорий қилиш ҳамда янги қулай тарифлар ишлаб чиқишга имкон беради.

Янгиликлардан яна бири шуки, HUMO тўлов тизими "Агробанк" билан ҳамкорликда юртимиз фермерлари учун қулай бўлган "Фермер кредит" карталарини жорий қилмоқда. Бу, ўз навбатида, фермерларга ўзларига ажратилган лимитлар доирасида ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, ўғитлар ва шу каби хўжалик учун зарур харажатларда асқатиши мўлжалланмоқда. Бу карталар билан банк иш кунига боғлиқ бўлмаган кунларда ҳам 24/7 режимида тегишли жойлардан маҳсулотларни харид қилиш имконига эга бўлдилар. Бу тизим фермерлар учун ўз маблағларини олдиндан ўтказмаслик ҳамда кредит маблағларига қўшимча фоизлар тўламасликларига имкон беради. Айни кунда бу тизим синов тариқасида Бухоро, Хоразм ва Наманган вилоятларида ишга тушди. Тез кунларда қолган вилоятларда ҳам жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

# Кредитларнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш ортиб бормоқда



**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Асака" банк АТБ раҳбарияти иштирокида "Кредит ажратиш шартларини соддалаштириш, кредитларнинг қайтмаслик рискини суғурта хизматлари орқали кафолатлаш имкониятлари" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**



Таъкидланишича, "Асака" банк томонидан ҳам ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг салмоғини ошириш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун 2018 йилда 3 448,9 млрд. сўм маблағлар ажратилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 1-чорагида 953,0 млрд. сўмни ташкил этди. Мазкур 1-чоракда ажратилган кредитларнинг қарийб 51 фоизи саноат, 27,8 фоизидан ортиғи қишлоқ хўжалиги, 1,5 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 4,4 фоизи қурилиш, 4,4 фоизи маиший хизмат кўрсатиш соҳасига ва 10,8 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Натижада жорий йилнинг январь-март ойларида 1 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

– Мижозларга кредит таъминоти борасида қулайлик яратиш мақсадида банк томонидан кредитларнинг қайтмаслик хатарини суғурталаган ҳолда молиялаштириш йўлга қўйилган бўлиб, айни кунда унинг ҳажми кун сайин ошиб бормоқда, – дейди "Асака" банк АТБ Кредитлаш департаменти бошлиғи Бобурхон Усмонхонов. – Жумладан, банк кредит портфелидаги 782,7 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар кредит қайтмаслиги хатарини суғурталаган ҳолда ажратилган бўлиб, бу жорий йилнинг шу давридаги кредитларнинг 63,7 фоизини ташкил қилади. Бу маблағлар асосан, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, уй-жой коммунал хизматларига ва бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари доирасида кредитлар ажратилиши ҳам кредит қайтмаслиги хатарини суғурталаш механизмидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Аҳоли лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш мақсадида "Асака" банк томонидан 4 889 нафар фуқарога жами 107,1 млрд. сўм кредит ажратилиб, мазкур дастур доирасида эса йил якунига қадар қўшимча 141,9 млрд. сўм кредит ажратилиши кўзда тутилган.

Бунинг натижасида ҳудудларда оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга, уларнинг барқарор ва қўшимча даромад манбаига эга бўлишига, миллий ҳунармандчилик янада ривожланишига, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилишига, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳалари рўёбга чиқишига ҳамда шу асосда аҳолининг бандлиги таъминланишига замин яратилмоқда.

Бундан ташқари, кредитларнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш механизмидан фойдаланган ҳолда, "Асака" банк томонидан ҳудудларда пахта хомашёси ҳосилини етиштиришни молиялаштириш учун кредит ажратилмоқда. Жумладан, 2019 йилда 10 та тўқимачилик кластер ташкилотчиларига пахта хомашёси ҳосилини етиштиришни молиялаштириш учун жами 491,4 млрд. сўм миқдоридаги кредит линиялари очилган. Бу эса 9 вилоят ҳудудида жами 204,8 минг тонна пахта ҳосили етиштирилишига замин яратди.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**

## Пулда ҳам камчилик бўларкан, лекин кечиримли...




**Австралияда ушбу мамлакатнинг миллионлаб янги доллараpи хато ёзув билан зарб қилинди.**

“Triple M” радиосининг Instagramдаги расмий саҳифасида ёзилишича, Австралия резерв банки (RBA) 50 долларлик янги банкнотларни муомалага чиқаришга қарор қилган ва зарбхонага тегишли буюртма берган.

Янги пулда мамлакат парламентига илк бор сайланган аёл депутат Эдит Коэннинг нутқидан парча келтирилади ва ундаги “responsibility” (масъулият) сўзида охирги “i” ҳарфи тушириб қолдирилади.

Эдит хоним энди нафақат олий қонун чиқарувчи органдан ўрин олган илк аёл, балки элликталикни ўз нутқи билан безаган арбоб сифатида тарихда қоладиган бўлди. Чунки RBA орфографик хатога қарамай, бу пуллар одатдаги “ҳамкасблари” каби ишлайверишини билдирди.“Бу билан уларнинг қиймати ҳам, вазифаси ҳам асло ўзгариб қолмайди”, дейилади Австралия резерв банкининг баёнотида.

Кейинги эмиссия чоғида хато тўлиқ тузатилиши ваъда қилинди.

Жамоатчилик орасида эса каталаштирадиган асбоб бўлмаса, бу хатони кўриш қийин экани одамлар учун ўзига хос тасалли бўлаётгани ҳақида гаплар юрибди.

ЎзА

## Хитой валюта захираси ярим йил орасида илк марта қисқарди

**Ўтган ойда Хитой валюта захираси сўнгги олти ой давомида илк марта қисқарди.**




Хитой Халқ банки маълумот бергандек, апрель ойида захира 3,81 миллиард АҚШ долларига камайиб, 3,095 триллион АҚШ долларига тушиб қолди. Reuters томонидан ўтказилган сўровномада таҳлилчилар захирани ўртача ҳисобда 1,24 миллиард АҚШ долларига ортиб, 3,1 триллион АҚШ долларига етишини башорат қилганди. Ўтган ойда юаннинг долларга нисбатан айирбошлаш курси 0,3 фоизга пасайди. Аммо айни пайтда йил бошидан буён юаннинг долларга нисбатан курси 1,6 фоизга ортган эди.

АҚШ президенти Дональд Трамп Twitterдаги саҳифасида ёзишича, яқин келажакда Хитойдан импорт қилинадиган 200 миллиард АҚШ долларилик маҳсулотларига қўйиладиган давлат божи 10 фоиздан 25 фоизга оширилади. У, шунингдек, 325 миллиард АҚШ долларилик қўшимча маҳсулотларга ҳам 25 фоизлик давлат божи тўланишига эришмоқчи. Ўтган йили эса юаннинг долларга нисбатан курси 5,3 фоизга пасайганида Хитой валюта захираси 67,24 миллиард АҚШ долларига қисқарган эди. Хитойнинг олтин захираси март ойида 78,525 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, апрель ойи якунида унинг ҳажми 78,35 миллиард АҚШ долларига тушиб қолди.

## Инқироз оқибати : Швецияда 10 йилдан сўнг қандай муаммолар юзага келди

**Тахминан ўн йил аввал Швеция жаҳон молиявий инқирозидан деярли иқтисодий зарарсиз чиқиб, бошқаларга нисбатан муаммоларни муваффақиятли бартараф этишга эришганди. Бироқ ундан бутунлай қутулишнинг имкони бўлмади. Барибир кучли инқироз ўз изини қолдириши табиийдир.**



Муаммо шундаки, бошқа давлатларда кузатилганидек Швеция меҳнат бозори деярли ўзгаришни ҳис этмади. Кескин тежамкорлик тизими жорий этилмади ва меҳнатга ҳақ тўлаш аввалгидек юқори даражада бўлиб қолаверди. Бироқ 10 йилдан сўнг бу номувофиқлик Швеция валютасига салбий таъсир кўрсатди. Шу ҳафта унинг еврога нисбатан қадри сўнгги ўн йил давомида энг паст кўрсаткичга тушиб қолди.

Крoнанинг қиймати пасайиши кўплаб башоратчиларнинг хато қилишига сабаб бўлди. Мутахассислар бунинг сабаби сифатида МБ томонидан юқори фоиз ставкалари белгиланиши ва облигацияларнинг харидида муаммо кузатилаётганини қайд этишмоқда. Айрим мутахассислар Швеция ўзининг рақобатбардош хусусиятларини йўқотгани боис харажатлар ҳаддан зиёд ортиб кетганини маълум қилмоқда. Мамлакатда ишчи кучига сарфланаётган харажатлар бошқа давлатларга нисбатан юқори қийматни ташкил қилади. Оқибатда Швецияда самарадорлик даражаси паст бўлиб қолди.

Кронанинг қиймати пасайиши импортчи, иқтисодчи ва сармоядорларни хавотирга солиб қўйди. Айни пайтда Швеция Марказий банки монетар сиёсатни ҳозир ўзгартиришга ҳожат йўқлигини, шунчаки крона жаҳонда юзага келган тенденцияга мос ривожланаётганини маълум қилган.

Швеция парламентининг айрим вакиллари самарадорлик бўйича рақобатбардошликнинг пасайиши сабабларини ўрганувчи махсус ишчи гуруҳ тузиш таклифини билдирмоқда. Яна бошқа мутахассислар сўнгги тўрт йил ичида солиқларнинг оширилиши меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ортиб кетишига сабаб бўлаётганини қайд этмоқда.

## АҚШ акциялар бозорида салбий ўзгариш кузатилиши мумкин

**Америка фонд бозори АҚШ ва ХХР ўртасидаги савдо уруши кескинлашиши эҳтимоли билан боғлиқ хабарларга салбий муносабат билдирмоқда.**

Dow Jones Industrial Average индекси май бошида 1,8 фоизга пасайиб, 25 965 пунктга тушиб қолган бўлса, S&P 500 кўрсаткичлари эса 1,7 фоизга камайди ва 2 884 пунктга тенг бўлди. Nasdaq 2 фоиз йўқотган бўлса, 7 963 пункт билан сессияни якунлади.

Fact Set компанияси берган маълумотга кўра, Dow Jones учун бу натижа 2019 йил 3 январдан буён кузатилган энг паст кўрсаткич бўлган бўлса, S&P 500 ва Nasdaqда 22 мартдан буён салбий динамика кузатилмоқда.

2018 йил якунида кузатилган салбий динамикадан кейин йил бошидан буён АҚШ акциялар бозорида нисбатан ижобий кайфият ҳукмрон бўлаётган эди. АҚШ билан Хитой ўртасидаги савдо муҳокамалари муваффақиятли якун топиши кутилаётганлиги ҳақидаги янгиликлар сармоядорларда оз бўлса-да нажот умидини уйғотаётган эди.

Бироқ муросага келиш ўрнига АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо уруши кескинлашиши кузатилаётгани АҚШ фонд бозорига салбий таъсир кўрсатди. VIX индекс, яъни “қўрқув индекси” номи билан аталувчи кўрсаткич ҳам 21,09 пунктга кўтарилди.

Айни пайтда айрим мутахассислар Трамп билдираётган фикрлар шунчаки чалғитувчи баёнотлардан иборат эканлигини маълум қилмоқда. Хусусан, Spartan Capital Securities брокерлик компанияси бош иқтисодчиси Питер Кардилло фикрига кўра, билдирилаётган фикрлар – бу “Трамп маъмурияти томонидан эълон қилинаётган “лоф”лардир.

Бу сингари баёнотлар билан АҚШ ҳукумати Хитойга босим ўтказиш ва шу орқали музокараларни янги босқичга олиб чиқиш ниятида бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Айни пайтда мутахассислар Хитой АҚШнинг сиёсий ўйинларига парво қилмаслиги ва ўзига хос узоқ муддатли стратегиясини жорий этишда давом этишини башорат қилмоқда.

## “Норникель” ТМК ва ICBC Standard Bank мутахассислари қилган башорати

“Норникель” ТМК ва ICBC Standard Bank мутахассислари қилган башоратларга кўра, дунёнинг турли мамлакатларида автомобилсозлик тармоғи ривожланаётганлиги боис яқин келажакда қимматбаҳо металлга бўлган талаб таклифга нисбатан ортиши кутилиши мумкин.

Таҳлилчилар 2019 йил ишлаб чиқариш тармоғида палладийга нисбатан талаб аввалгидек юқори даражада бўлишини тахмин қилмоқда.

Мутахассислар ушбу башоратнинг асосли эканлигини автомобилсозлик саноатида палладийдан фойдаланувчилар сафи кенгайгани билан боғламоқда.“Норникель” ва ICBC ҳисобига кўра, палладийга бўлган талаб “тахминан 3-4 йил давомида ортади”. Жорий йилда металл ва уни етказиб берилишига бўлган талабнинг ўзгариши ЖАРдаги металл компанияларида тоза металл ишлаб чиқарилиши давомида 2018 йилда салмоқли ҳажмдаги маҳсулот захираси тўпланиб қолиши билан боғлиқ бўлди. “Норникель” башоратига кўра, 2020 йилда заҳарли чиқиндилар бўйича кескин қонунчилик кучга киргач, тақчиллик янада ўзини намоён этади.

Узоқ муддатли башоратларга кўра, иккиламчи хомашёнинг ҳажми ортиши ҳисобига бозор бирмунча барқарор суръатда ривожланади, шунингдек янгидан-янги тоғ кон маъданларини қазиб олиш бўйича лойиҳалар ишга туширилиши маҳсулот тақчиллигига чек қўйиши мумкин.

“Вести.Экономика” порталида қайд этилишича, автомобилсозлик саноатида палладийга бўлган талабнинг ортиши ҳақида аввалроқ Johnson Matthey компанияси ҳам маълум қилганди.

2019 йил январда палладийнинг нархи 2002 йилдан буён илк марта олтин нархиданда ошиб кетди. Кўп ўтмай унинг нархи тарихдаги энг юқори даражага кўтарилди. 2019 йил март ойида бир троя унция палладийнинг нархи 1600 АҚШ долларига етди. Фьючерслар бозорида палладий котировкаси бир троя унцияси учун 1560 АҚШ долларига тенглиги қайд этилди.

Кейинроқ палладийнинг нархи мувофиқлаштирилиши натижасида унинг нархи 1300 АҚШ долларига туширилди. 2019 йил 7 майдаги котировкада унинг нархи 1320 АҚШ долларини ташкил этди.

“Норильский никель” ТМК президенти Владимир Потанин 2019 йил март ойида берган интервьюсида баён этишича, компания яқин келажакда палладий ишлаб чиқарилишини кўпайтириб, янгича лойиҳаларда иштирок этади, шунингдек рақамли токендан фойдаланган ҳолда палладий савдосини ривожлантиришга эътибор қаратади.

*Интернет материаллари асосида тайёрланди.*

# "RAVNAQ-BANK" ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

**Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2017 йил 21 октябрдаги 70-сонли лицензияси.**
**Юридик манзили: 100021, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 2.**

## МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

| Моддалар | 2018 йил 31 декабрь | 2017 йил 31 декабрь |
|---|---|---|
| **АКТИВЛАР** | | |
| Нақд пуллар ва уларнинг эквивалентлари | 68 908 675 | 117 672 429 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | 27 355 355 | 18 529 649 |
| Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар | 100 000 | 103 529 |
| Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар: | 320 419 447 | 166 669 823 |
| Минус: эхтимолий йўқотишлар учун захира | (1 908 413 ) | (896 370) |
| Мижозларга берилган соф кредитлар ва бўнаклар | 318 511 034 | 165 773 453 |
| Қарам хўжалик жамиятларга инвестициялар | 3 298 383 | 540 000 |
| Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича) | 7 429 419 | 7 201 818 |
| Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича) | 2 264 226 | 192 320 |
| Бошқа хусусий мол-мулклар | 1 263 239 | - |
| Солиқ талаблари | 2 424 444 | 1 843 671 |
| Бошқа активлар | 3 015 658 | 26 601 078 |
| **ЖАМИ АКТИВЛАР** | **434 570 433** | **338 457 947** |
| **МАЖБУРИЯТЛАР** | | |
| Мижозларнинг маблағлари | 285 929 440 | 276 145 209 |
| Марказий банкка тўланадиган маблағлар | - | 14 821 699 |
| Бошқа банкларнинг маблағлари | 35 018 837 | 10 006 273 |
| Солиқ мажбуриятлари | 119 981 | 130 325 |
| Бошқа мажбуриятлар | 2 516 463 | 3 471 126 |
| **Жами мажбуриятлар** | **323 584 721** | **304 574 632** |
| **ХУСУСИЙ КАПИТАЛ** | | |
| Устав капитали | 100 000 000 | 22 830 000 |
| Қўшимча капитал | 1 230 | 7 895 |
| Захира капитали ва жамғармалар | 4 171 915 | 3 156 220 |
| Тақсимланмаган фойда | 6 812 567 | 7 889 200 |
| **Жами хусусий капитал** | **110 985 712** | **33 883 315** |
| **ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ** | **434 570 433** | **338 457 947** |

## ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

| Моддалар | 2018 йил | 2017 йил |
|---|---|---|
| Фоизли даромадлар | 37 428 866 | 24 930 427 |
| Фоизли харажатлар | (20 868 891 ) | (13 690 270) |
| **Соф фоизли даромад** | **16 559 975** | **11 240 157** |
| Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира | (3 526 064 ) | (2 065 240) |
| **Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира чегирилгандан кейинги соф фоизли даромад** | **13 033 911** | **9 174 917** |
| Воситачилик даромадлари | 8 705 688 | 12 587 475 |
| Воситачилик харажатлари | (2 700 016 ) | (2 063 028) |
| Хорижий валютадаги операциялар бўйича соф фойда | 3 733 955 | 6 268 517 |
| Бошқа фоизсиз даромадлар | 1 482 697 | 2 354 396 |
| Бошқа фоизсиз харажатлар | (984) | (4 939) |
| **Операцион харажатларгача бўлган соф даромад** | **24 255 251** | **28 317 338** |
| Операцион харажатлар | (24 096 128 ) | (20 147 548) |
| **Солиқ солингунга қадар олинган даромад** | 159 123 | 8 169 790 |
| Эҳтимолий йўқотишлар учун захираларни баҳолаш | (5 193 ) | (17 731) |
| **Фойда солиғи тўлангунга қадар соф фойда** | **153 930** | **8 152 059** |
| Даромад (фойда) солиғини баҳолаш | 659 014 | (527 822) |
| **Йил якуни бўйича соф фойда** | **812 944** | **7 624 237** |
| Бошқа ялпи йиллик даромадлар | - | - |
| **Жами умумий йиллик даромад** | **812 944** | **7 624 237** |
| **Ҳар бир акция учун базавий фойда** | 20,00 | 339,63 |

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

| Моддалар | 2018 йил | 2017 йил |
|---|---|---|
| **Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати** | | |
| Олинган фоизлар | 35 465 617 | 24 313 743 |
| Тўланган фоизлар | (21 225 087 ) | (13 137 285) |
| Воситачилик ҳақи учун тўлов шаклида олинган маблағлар | 8 643 360 | 12 665 092 |
| Воситачилик ҳақи учун тўланган маблағлар | (2 700 016 ) | (2 063 028) |
| Олинган дивидендлар | 18 220 | 18 862 |
| Ҳисобдан чиқарилган кредитларнинг қопланиши | 1 087 565 | 1 336 913 |
| Соф фоизсиз даромадлар | 375 928 | 993 682 |
| Ходимлар таъминоти учун тўланган харажатлар | (11 716 202 ) | (8 680 828) |
| Бошқа операцион харажатлар учун тўловлар | (10 933 022 ) | (9 822 479) |
| Тўланган даромад солиғи | (642 ) | (2 147 056) |
| **Операцион актив ва мажбуриятлардаги ўзгаришларгача бўлган операцион фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати** | **(984 279 )** | **3 477 616** |
| **Операцион активлардаги ўзгаришлар (ўсиш)/камайиш** | | |
| Марказий банкдаги мажбурий захира | 4 461 232 | 5 660 365 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | (13 286 938 ) | (5 316 613) |
| Мижозларга кредитлар ва бўнаклар | (155 250 442 ) | (64 364 793) |
| Бошқа активлар | 21 713 852 | (10 770 379) |
| **Операцион мажбуриятлардаги ўзгаришлар ўсиш/(камайиш)** | | |
| Мижозларнинг маблағлари | 9 784 231 | 85 132 447 |
| Марказий банкка тўланадиган маблағлар | (14 821 699) | 14 821 699 |
| Бошқа банкларнинг маблағлари | 25 012 564 | (9 254 755) |
| Бошқа мажбуриятлар | (2 038 496 ) | (7 349) |
| **Операцион фаолият бўйича пул маблағларининг соф ҳаракати** | **(125 409 975 )** | **19 378 238** |
| **Инвестицион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати** | | |
| Қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотиш | 3 529 | 510 082 |
| Қарамоқдаги, шўъба хўжалик жамиятларини харид қилиш ёки чиқариб юбориш | 500 000 | (500 000) |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш | (4 770 076 ) | (5 468 974) |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиш | 1 309 688 | 7 275 943 |
| **Инвестицион фаолият бўйича пул маблағларининг соф ҳаракати** | **(2 956 859 )** | **1 817 051** |
| **Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати** | | |
| Акциялар эмиссияси | 77 170 000 | 2 830 000 |
| Тўланган дивидендлар | - | - |
| **Молиявий фаолият бўйича пул маблағларининг соф ҳаракати** | **77 170 000** | **2 830 000** |
| Валюта курсидаги ўзгаришларнинг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири | 2 433 080 | 4 363 666 |
| **Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши/(камайиши)** | **(48 763 754 )** | **28 388 955** |
| **Йил бошига пул маблағлари ва улар эквивалентлари** | **117 672 429** | **89 283 474** |
| **Йил охирига пул маблағлари ва улар эквивалентлари** | **68 908 675** | **117 672 429** |

## КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

| Моддалар | Устав капитали | Қўшимча капитал | Захира капитали ва фондлар | Тақсимланмаган фойда | Жами капиталга киритилган ўзгариш |
|---|---|---|---|---|---|
| **2017 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ** | **20 000 000** | **3 142** | **1 232 766** | **2 218 629** | **23 454 537** |
| Акциялар эмиссияси | 2 830 000 | - | - | - | 2 830 000 |
| Тўланган дивидендлар | - | - | - | - | - |
| Захира капиталига ажратма | - | - | 975 925 | (975 925) | - |
| Қўшимча капитал | - | 4 753 | - | - | 4 753 |
| Имтиёзли кредитлаш жамғармаси | - | - | 364 108 | (364 108) | - |
| Стандарт активлар бўйича захиралар | - | - | 583 421 | (583 421) | - |
| Ҳисобот даврининг йиллик умумий даромади | - | - | - | 7 624 237 | 7 624 237 |
| Бошқалар | - | - | - | (30 212) | (30 212) |
| **2017 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ** | **22 830 000** | **7 895** | **3 156 220** | **7 889 200** | **33 883 315** |
| Акциялар эмиссияси | 77 170 000 | - | - | - | 77 170 000 |
| Тўланган дивидендлар | - | - | - | - | - |
| Захира капиталига ажратма | - | - | 384 229 | (384 229 ) | - |
| Қўшимча капитал | - | (6 665 ) | - | - | (6 665 ) |
| Имтиёзли кредитлаш жамғармаси | - | - | - | - | - |
| Стандарт активлар бўйича захиралар | - | - | 631 466 | (631 466 ) | - |
| Ҳисобот даврининг йиллик умумий даромади | - | - | - | 812 944 | 812 944 |
| Бошқалар | - | - | - | (873 882 ) | (873 882 ) |
| **2018 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ** | **100 000 000** | **1 230** | **4 171 915** | **6 812 567** | **110 985 712** |

*Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "PKF MAK ALYANS" МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги АФ № 00531-сонли лицензияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2011 йил 19 августдаги №14-сонли сертификати) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.*

**Хизматлар лицензияланган.**

# "Ziraat Bank Uzbekistan" акциядорлик жамияти

Рўйхат рақами: ЎзР МБнинг 2017 йил 30 декабрдаги 1-сонли лицензияси.
Юридик манзил: 100043, Тошкент ш., Чилонзор тум., Бунёдкор шоҳ кўч., 15/ABV.

## МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

| | 2018 йил 31 декабрь | 2017 йил 31 декабрь | 2017 йил 1 январь |
|---|---|---|---|
| *Активлар* | | | |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 88 472 220 | 40 990 094 | 72 012 305 |
| ЎзР МБ ҳисобварақларидаги мажбурий захиралар | 6 719 157 | 14 035 486 | 18 139 401 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | 51 024 220 | 38 165 678 | 27 096 150 |
| Мижозларга кредитлар | 333 321 935 | 312 775 632 | 115 560 144 |
| Инвестициявий молиявий активлар | 4 999 174 | 40 000 | 40 000 |
| Асосий моддалар ва номоддий активлар | 5 901 699 | 2 456 610 | 2 275 366 |
| Кечиктирилган солиқ активи | 225 564 | 1 122 577 | 588 472 |
| Бошқа активлар | 23 134 880 | 11 404 248 | 1 408 042 |
| **Жами активлар** | **513 798 849** | **420 990 325** | **237 119 880** |
| *Мажбуриятлар* | | | |
| Бошқа банкларнинг маблағлари | 176 084 052 | 101 005 833 | 28 381 333 |
| Мижозлар маблағлари | 118 304 815 | 109 430 744 | 116 011 374 |
| Кечиктирилган солиқ мажбурияти | 958 335 | - | - |
| Бошқа мажбуриятлар | 1 723 896 | 1 000 066 | 1 281 433 |
| **Жами мажбуриятлар** | **297 071 098** | **211 436 643** | **145 674 140** |
| *Хусусий капитал* | | | |
| Акциядорлик капитали | 188 953 081 | 47 876 400 | 47 876 400 |
| Тақсимланмаган фойда | 27 774 670 | 161 677 282 | 43 569 340 |
| **Жами хусусий капитал** | **216 727 751** | **209 553 682** | **91 445 740** |
| **Жами мажбурият ва хусусий капитал** | **513 798 849** | **420 990 325** | **237 119 880** |

## ФОЙДА ВА ХАРАЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

| | 2018 йил 31 декабрь | 2017 йил 31 декабрь |
|---|---|---|
| Самарали фоиз ставкалари бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари | 56 416 054 | 31 717 023 |
| Бошқа фоиз даромадлари | 23 052 | - |
| Самарали фоиз ставкалари бўйича фоиз харажатлари | (11 147 673) | (5 055 975) |
| **Соф фоиз даромадлари** | **45 291 433** | **26 661 048** |
| Қарз молиявий активлар бўйича кредит зарарларига оид захирани шакллантириш | (15 155 744) | (4 443 268) |
| **Кредит зарарларига оид захира шакллантирилганидан кейинги соф фоиз даромади** | **30 135 689** | **22 217 780** |
| Воситачилик даромадлари | 11 498 138 | 8 064 466 |
| Воситачилик харажатлари | (2 658 871) | (1 883 136) |
| Хорижий валютадаги операциялар ҳамда хорижий валюталар қайта баҳоланиши операциялари бўйича соф даромадлар / (харажатлар) | (2 846 942) | 108 776 887 |
| Молиявий воситали операциялардан олинган соф даромад /(зарар) | (16 398) | 16 976 |
| Дастлабки тан олинган молиявий ҳосила воситалари ва кредитлар модификациясидан олинган соф даромад /(харажатлар) | (25 789) | - |
| Кредит хусусиятига эга мажбуриятлар бўйича кредит зарарларига оид захира | (749 562) | - |
| Бошқа активларни шакллантириш захиралари | (56) | (17 093) |
| Бошқа операцион даромадлар | 479 961 | 491 472 |
| Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар | (21 213 620) | (14 319 032) |
| **Солиқ ундирилгунга қадар фойда** | **14 602 550** | **123 348 320** |
| Фойда солиғи бўйича харажатлар | (5 434 391) | (5 240 378) |
| **Ҳисобот давридаги соф фойда** | **9 168 159** | **118 107 942** |
| Бошқа умумий даромад | - | - |
| **Ҳисобот давридаги жами умумий даромад** | **9 168 159** | **118 107 942** |

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

| | 2018 йил 31 декабрь | 2017 йил 31 декабрь |
|---|---|---|
| ***Операцион фаолиятдаги пул маблағларининг ҳаракати*** | | |
| Олинган фоизлар | 55 941 346 | 30 489 502 |
| Тўланган фоизлар | (12 556 122) | (3 429 359) |
| Олинган воситачилик ҳақлари | 11 411 446 | 7 969 821 |
| Тўланган воситачилик ҳақлари | (2 825 681) | (2 692 002) |
| Хорижий валютадаги операциялардан олинган соф даромад | 2 863 340 | 95 472 898 |
| Бошқа олинган операцион даромадлар | 479 961 | 508 448 |
| Ходимлар таъминоти учун харажат | (11 481 256) | (8 341 137) |
| Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар | (10 430 915) | (5 976 491) |
| Тўланган фойда солиғи | (7 845 636) | (5 774 483) |
| **Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга қадар операцион фаолиятдаги пул оқимлари** | **25 556 483** | **108 227 197** |
| *Операцион активларнинг соф (кўпайиши )/камайиши* | | |
| ЎзР МБ ҳисобварақларидаги мажбурий захиралар | 7 316 329 | 4 103 915 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | (12 858 542) | (11 069 528) |
| Мижозларга кредитлар | (29 518 013) | (197 215 488) |
| Бошқа активлар | (11 730 632) | (9 996 206) |
| *Операцион мажбуриятларнинг соф кўпайиши /(камайиши)* | | |
| Бошқа банкларнинг маблағлари | 75 078 219 | 72 624 500 |
| Мижозларнинг маблағлари | 8 874 071 | (6 580 630) |
| Бошқа мажбуриятлар | 1 682 165 | (281 367) |
| **Операцион фаолиятдаги пул маблағларининг соф ҳаракати** | **64 400 080** | **(40 187 607)** |
| ***Инвестицион фаолиятдаги пул оқимлари*** | | |
| Инвестициявий қимматли қоғозларни харид қилиш | (4 959 174) | - |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш | (4 498 457) | (829 231) |
| Асосий воситаларнинг сотилишидан тушган тушум | 2 418 | - |
| **Инвестициявий фаолиятдаги пул маблағларининг соф ҳаракати** | **(9 455 213)** | **(829 231)** |
| ***Молиявий фаолиятдаги пул оқимлари*** | | |
| Тўланган дивидендлар | (7 847 313) | - |
| **Молиявий фаолиятдаги пул маблағларининг соф ҳаракати** | **(7 847 313)** | - |
| Айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири | 384 572 | 9 994 627 |
| **Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидаги соф ўзгариш** | **47 482 126** | **(31 022 211)** |
| Ҳисобот йилининг бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 40 990 094 | 72 012 305 |
| **Ҳисобот йилининг охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари** | **88 472 220** | **40 990 094** |

## КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

| | Акциядорлик капитали | Тақсимланмаган фойда | Жами капитал |
|---|---|---|---|
| **2017 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ** | 47 876 400 | 43 569 340 | 91 445 740 |
| Соф фойда | - | 118 107 942 | 118 107 942 |
| Бошқа умумий даромад | - | - | - |
| **Ҳисобот давридаги жами умумий даромад** | **-** | **118 107 942** | **118 107 942** |
| **2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ** | **47 876 400** | **161 677 282** | **209 553 682** |
| МСФО (IFRS)9 илк марта жорий этилишининг 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра таъсири | - | (1 994 090) | (1 994 090) |
| **2018 йил 1 январь ҳолатига кўра қайта ҳисобланган қолдиқ** | **47 876 400** | **159 683 192** | **207 559 592** |
| Соф фойда | - | 9 168 159 | 9 168 159 |
| Ҳисобот давридаги бошқа умумий даромад | - | - | - |
| **Ҳисобот давридаги жами умумий даромад** | **-** | **9 168 159** | **9 168 159** |
| Акциядорлик капиталининг ортиши | 141 076 68 | - | 141 076 681 |
| Дивидендлар, эълон қилинганлари | - | (141 076 681) | (141 076 681) |
| **2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ** | **188 953 081** | **27 774 670** | **216 727 751** |

*Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "GRANT THORNTON" МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 13 февралдаги АФ 00064-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.*

Хизматлар лицензияланган.

# ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

## Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди Фонд реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхатини эълон қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
2. "Асака" акциядорлик тижорат банки
3. "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки
4. "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки
5. "Агробанк" акциядорлик тижорат банки
6. "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки
7. "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки
8. "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки
9. Чет эл капитали иштирокидаги "Савдогар" акциядорлик тижорат банки
10. Акциядорлик тижорат "Алоқабанк"
11. "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки
12. Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки
13. "Капиталбанк" акциядорлик тижорат банки
14. "ASIA ALLIANCE BANK" акциядорлик тижорат банки
15. "Ўзагроэкспортбанк" акциядорлик тижорат банки
16. "Пойтахт банк" акциядорлик жамияти
17. "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки
18. "Туркистон" хусусий акциядорлик тижорат банки
19. "Давр Банк" хусусий акциядорлик-тижорат банки
20. Хусусий акциядорлик-тижорат банки "Универсал банк"
21. "Ravnaq-bank" хусусий акциядорлик-тижорат банки
22. "Invest Finance Bank" хусусий акциядорлик тижорат банки
23. "HI-TECH BANK" хусусий акциядорлик тижорат банки
24. "Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банки
25. "Мадад Инвест Банк" хусусий акциядорлик тижорат банки
26. "КДБ Банк Ўзбекистон" акциядорлик жамияти
27. "Ziraat Bank Uzbekistan" акциядорлик жамияти
28. Эрон "Содерот" банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки

**"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юқорида номлари келтирилган банклардаги фуқароларнинг омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.**

**Хизматлар лицензияланган.**

### ХАТБ «Давр-банк»нинг 2018 йил якуни бўйича «Банк ахборотномаси»-«Банковские вести» газеталарининг 2019 йил 18 апрелдаги 16-сонида чоп этилган молиявий ҳисоботидаги техник хатолар бўйича киритилган тузатишлар

***"МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ** 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра" **жадвали бўйича***

1. "*Кредит муассасаларидаги маблағлар*" сатрининг 2018 йил учун устунида "47 947 266" ўрнига "**43 207 481**" деб ўқилсин.

2. "*Мижозларга берилган кредитлар*" сатрининг 2018 йил учун устунида "610 764 492" ўрнига "**615 030 304**" деб ўқилсин.

3. "*Фойда солиғи бўйича кечиктирилган активлар*" сатрининг 2018 йил учун устунида "-" ўрнига "**695 308**" деб ўқилсин.

4. "*Бошқа активлар*" сатрининг 2018 йил учун устунида "6 778 166" ўрнига "**2 512 354**" деб ўқилсин.

5. "*Жами активлар*" сатрининг 2018 йил учун устуни "862 420 842" ўрнига "**858 376 365**" деб ўқилсин.

6. "*Мажбуриятлар*" бўлимидаги "*ЎзР Марказий банкининг тўлов маблағлари*" сатри "*ЎзР Марказий банкига тўловлар*" деб ўқилсин ва сатрнинг 2018 йил учун устуни "10 043 412" ўрнига "-" деб ўқилсин.

7. "*Мажбуриятлар*" бўлимидаги "*Кредит муассасаларидаги маблағлари*" сатри "*Кредит муассасаларининг маблағлари*" деб ўқилсин ва сатрнинг 2018 йил учун устуни "41 496 058" ўрнига "**36 756 273**" деб ўқилсин.

8. . "*Бошқа қарз маблағлари*" сатрининг 2018 йил учун устуни "86 371 142" ўрнига "**96 414 555**" деб ўқилсин.

9. "*Мажбуриятлар*" бўлимидаги "*Фойда солиғи бўйича кечиктирилган активлар*" сатри тўлиқ умуман олиб ташлансин.

10. "*Жами мажбуриятлар*" сатрининг 2018 йил учун устуни "739 104 601" ўрнига "**733 946 985**" деб ўқилсин.

11. "*Тақсимланмаган фойда*" сатрининг 2018 йил учун устуни "23 049 794" ўрнига "**24 162 932**" деб ўқилсин.

12. "*Жами хусусий капитал*" сатрининг 2018 йил учун устуни "123 316 242" ўрнига "**124 429 380**" деб ўқилсин.

13. "*Жами хусусий капитал ва мажбуриятлар*" сатрининг 2018 йил учун устуни "862 420 842" ўрнига "**858 376 365**" деб ўқилсин.

***"Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот** 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра" **жадвали бўйича***

1. "*МСФО (IFRS) 9 қўлланишининг таъсири*" сатридан кейин "*МСФО (IFRS) 9 қўлланишининг таъсири бўйича солиқлар ўзгариши*" мазмундаги сатр қўшимча киритилсин ва ушбу сатрнинг "*Тақсимланмаган фойда*" ва "*Жами хусусий капитал*" устунларига "**1 113 137**" сони киритилсин.

2. "*2018 йилнинг 1 январь ҳолатига МСФО (IFRS) 9га мувофиқ қайта ҳисобланган қолдиқ*" сатрининг "*Тақсимланмаган фойда*" устуни "45 322 659" ўрнига "**46 435 796**" деб ўқилсин, "*Жами хусусий капитал*" устуни эса "85 589 107" ўрнига "**86 702 244**" деб ўқилсин.

3. "*2018 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ*" сатрининг "*Тақсимланмаган фойда*" устуни "23 049 795" ўрнига "**24 162 932**" деб ўқилсин, "*Жами хусусий капитал*" устуни эса "123 316 242" ўрнига "**124 429 380**" деб ўқилсин.

ХАТБ "Давр-банк"нинг 2018 йил якуни бўйича "Банк ахборотномаси" - "Банковские вести" газеталарининг 2019 йил 2 майдаги 18-сонли чоп этилган молиявий ҳисоботидаги техник хатолар бўйича киритилган тўғрилаш(корректировкалар)лар ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

БУ ҚИЗИҚ

# Рўзанинг соғлиққа фойдалари



**Бугунги кунда замонавий тиббиёт рўзанинг инсон саломатлигига жуда кўп фойдалари мавжудлигини исботламоқда. Ҳатто табиблар ўнлаб беморларни вақтинча оч қолдириш йўли билан муваффақиятли даволамоқдалар. Рўза инсондаги касалликларга қарши иммунитетни кучайтиради, ортиқча семириб кетиш олдини олади, ошқозон-ичак касалликлари, юрак, буйрак, қон-томир, шунингдек, тери хасталикларини даволашда жуда яхши самара беради.**

Шунингдек, рўза тутиш хотирани мустаҳкамлайди, инсон онгида ижобий фикрлар уйғонишига сабаб бўлади, кўриш қобилиятини яхшилайди, қондаги қанд моддаси миқдорини меъёрлаштиради, қоннинг қуюқлашиши олдини олади ва ундаги холистеринни камайтиради, танадаги турли оғриқларни йўқотади. Рўза тутган киши кун давомида маълум вақт оч юрганда, шу муддат ичида унинг танасида йиғилиб қолган кераксиз моддалардан организм бутунлай халос бўлиб, ўз кувватини тиклайди.

Буюк ватандошимиз, тиб илми ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган Ибн Сино кўплаб беморларни очлик ва парҳез йўли билан даволагани манбаларда зикр этилган.

Бугунги кунда ҳам дунёдаги кўзга кўринган кўплаб табиблар беморларни манa шу услуб билан муолажа қилмоқда. Жумладан, Нобель мукофотига сазовор бўлган япониялик дунёга машҳур биолог олим Ёсинори Осуминнинг олиб борган тадқиқотлари натижасига кўра, инсон организми рўза тутиб оч қолганда, танадан чиқадиган зарарли бактерияларни ҳазм қилади. Бу эса инсон организмини турли зарарлардан халос бўлишга сабаб бўлади.

Шунингдек, машҳур рус табиблари профессор Ю.С.Николаев ва Е.И.Нилов томонидан нашр этилган "Простые истины" (Оддий ҳақиқатлар) номли китобнинг "Соғлиқ учун оч-наҳор юриш" деб номланган бобида рўзанинг фойдалари санаб ўтилган. Унда айтилишича, ихтиёрий очлик билан мажбурий очликнинг фарқи бор. Мажбурий очлик, қароқчининг пичоғидек зарарга, ҳалокатга сабаб бўлса, ихтиёрий очлик табибнинг пичоғидек шифога сабаб бўлади.

Америкалик мутахассис Пол Брегг эса ўзининг эллик йиллик шахсий таржибасидан келиб чиқиб "Мўъжизакор очлик" деб аталган китобини ёзди. Дунёдаги кўплаб тилларга таржима қилинган бу китоб, рўза инсон соғлиғи учун энг зарур омил эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Мазкур илмий тадқиқотлар натижасида рўза ҳозирги кўп дардларга даво усули экани, киши доим соғ юрай деса, ҳар йили 28-30 кун ихтиёрий оч қолиши зарурлиги таъкидланган. Рўзага оид ушбу ҳақиқатлар бундан 14 аср илгари Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «Рўза тутинглар, саломат бўласизлар» (Имом Табароний ривояти), деб айтган ҳадиси шарифларининг илмий тасдиғидир.

**Интернет материаллари асосида.**

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
"Norma Hamkor" МЧЖ
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати
Тел: 99897 776 60 18
71 232 45 32
Факс: 71 232 43 98
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
ЎзА

Таҳририят манзили:
100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй e-mail: bankaxbotnomasi@mail.ru, www.banknews.uz телеграм каналимиз @bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи "Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ Газета таҳририятининг техник ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта — пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 503
Адади 1986 нусха
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 15.05.2019 й.,
12345

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: **Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**